

Жиззах шаҳар

18 январ 2022 йил

Жиззах вилояти автомобиль йуллари бош бошкормаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи ташкилот директори вазифасини бажарувчиси **Х.Рахматов** ва Мирзачул туман йуллардан фойдаланиш корхонаси (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи корхона директори **Ж.Хасилбеков** мазкур шартномани куйидагилар ҳакида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида курсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган умумфойдаланувдаги давлат аҳамиятга эга бўлган куйидаги автомобиль йулларида **кишки каров ишларини** бажариш мажбуриятини олади:

- 1) 4Р 31а Янгиер ш.- Дустлик к. шохобча: а) Гагарин шаҳрига автойули узунлиги 6 км, 4-10 км оралигига
- 2) 4Р 35 Жиззах ш.(4р38 автойули) -Пахтакор ш.- Дустлик ш.- Гагарин ш.-М-39 автойули (918км) а/йули узунлиги 13 км, 70-83 км оралигига
- 3) 4Р 197 "Пахтакор-Чимкургон" автойули - Зафарабод ш.- Гагарин ш. автойули узунлиги 29 км. 56-85км оралигига

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг машина-механизмлардан, ўзининг асбоб-ускуналари билан бажаради.

1.4. Пудратчи томонидан ишларни бажариш куйидаги жадвал асосида амалга оширилади:

Ишлар номи	Йул узун-лиги (км)	2022 йил (минг сумм)	1-чорак жами	шу жумладан		
				Январ	Феврал	Март
Кишки каров ишлари	48	21 000,0	21 000,0	10 500,0	10 500,0	
Шу жумладан КҚС		2 739,130	2 739,130	1 369,565	1 369,565	

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

### 2. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **21 000 000 (Йигирма бир миллион)** сўмни ташкил қиласди.

2.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш пудратчининг мазкур шартномада курсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблагларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

### 3. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

3.1. Буюртмачи 10 (Ўн) банк куни давомида ҳар ойда пудратчига шартномада курсатилган режалаштирилган ойлик иш ҳажми 40% микдорида аванс бериш йўли билан тўловларини амалга оширилади. Кейинчалик ҳисобот ойининг якуни билан шартнома назарда тутилган маблағлар доирасида ажратилади аванс тўловлари ҳар ой чегириб ташланган ҳолда амалда бажарилган ишларга ойма-ой молиялаштирилади.

3.2. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амал қиласди.

### 4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 4.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

4.1.1. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини саклаш ишларини буюртмачи томонидан тасдиқланган сметаларга мувофик автомобиль йўлнинг бутун узунлигига бутун йил давомида унинг барча элементлари ва иншоотлари бўйича мунтазам равишда амалга ошириш.

4.1.1.1. Ер кўтармаси ва сув кетказиши тизими бўйича:

ажратилган минтақани, йўл четларини, нишабликларни ва ажратувчи тасмаларни мунтазам равишда озода ва тартибли саклаш, чиқиндилардан ва бегона буюмлардан тозалаш, текислаш;

кесилган колдикларни йигиштириб олган ҳолда ўтларни ўриб олиш ва буталарни кесиш, ножоиз ўсимликларни кимёвий усул билан йўқ килиш, йўл четларини чанг ва ифлюсликлардан тозалаш;

сув кетказиши тизими мунтазам равишда иш ҳолатида саклаш, йўл четидаги арикларни ва сув кетадиган зовурларни тозалаш ва киялаб текислаш, уларнинг мустаҳкамланган жойлари нуқсонларини тузатиш ёмғир канализацияси, дренаж курилмалари, кўпrik ва қувурларнинг сув кириш-чикиш ўзанлари, тез оқар сув ўтказгичлар ва сув туширгичларнинг майдо носозликларини бартараф этиш;

кўтарма ва ўймаларнинг нишабликлари носозликларини тузатиш ва текислаш (зарурият бўлса тупрок қўшган ҳолда);

мустаҳкамланмаган йўл четларини қиркиш, текислаш ва зичлаш, мустаҳкамланган йўл четларидағи бузилишлар ва шикастланишларни бартараф этиш;

белгиланмаган жойлардаги кириш ва чикиш жойларини тугатиш, ёзги трактор йўлларини куриш ва қиялаб текислаш;

табий мухитни муҳофаза қилишни таъминлаш чора-тадбирларини бажариш, автомобиль йўлларининг йўлолди тасмасини куриш ва белгилаш;

#### 4.1.1.2. Йўл тушамаси бўйича:

йўл қопламасини чиқинди, чанг ва ифлосликлардан, кор, муздан мунтазам равишда тозалаш, бегона буюмларни йигишириш, кум ва сирпанчикка карши аралашмалар сепиш йули билан автомобиль йўлларининг қатнов қисми музгарчилиги ва сирпанчиклигини бартараф этиш, шунингдек битумнинг терлаши натижасида хосил бўлган сирпанчикликни бартараф этиш;

#### йўлларни чангсизлантириш;

кабарикли ва кучсиз тупрокли йўл участкаларига караш (вактинчалик тусиши ва ҳаракатни тартибга солиш, шчитлар, тахталар, шох-шаббалар ва бошқа материаллар билан ёпиш, шунингдек зарурияти бўлмаганда уларни йигишириб олиш);

локал карталар билан майда заррали юза қатлам воситасида ёриклар ва ёрикларнинг турлари кучайишининг олдини олиш ва уларни тұхтатиш;

цемент-бетон қопламалар плиталарининг парчаланган ва синган жойларини юза емирилишлардан таъмирлаш; шағалли, чакик тошли ва тупрокли қопламаларнинг кесимини тұғрилаш;

#### 4.1.1.3. Сунъий иншоотлар бўйича:

кўпrik кўтармаси элементларини, фермаости майдончаларни, таянч қисмларни, оралик курилмалар элементларини, тахта зиналарни, таянчлар, кувурлар, тоннеллар ва бошқа иншоотларни чанг ва ифлослиқдан тозалаш;

конуслар, нишабликлар, кўпrikости ўзанларни, шунингдек сув ўтказиш кувурларнинг ўзанларини ва кувурлар устидаги кўтармалар нишабини тозалаш (шу жумладан, ўсимликлардан тозалаш);

тошқин сувларини ўтказиб юбориш, кор ва музни йигишириб олиш, тозалаш иншоотларига караш ва уларга хизмат күрсатиш, автомобиль йўллари ва иншоотларини сув тошқинидан ҳимоя қилиш, тикилиб қолган жойларни тозалаш, тошқинга карши тадбирлар;

таянчлар ва оралик курилмаларнинг металл конструкциялари элементларини қисман бўяш, нуксонли михпарчинларни алмаштириш, болтларни тортиш, металлдаги ёрикларни таъсир кўрсатмайдиган ҳолатга келтириш, тўсинларнинг темир-бетон плиталар билан бирлашадиган жойларини ва ферма боғламларини тиклаш;

тоннеллардан хавфсиз фойдаланиш учун локал участкаларда тоннелларнинг шикастланган қопламаларини ва сув кетказиши новлари, гидроизоляция, вентиляция ва ёритиш тизими, ёнгинни ўчириш, аварияга қарши ва бошқа техник курилмалар шикастланишларини бартараф этиш;

кўпrik кўтармасининг барча элементларини ҳамда кўтарма билан туташиб кетадиган зонани, фермаости майдончаларни, таянч қисмларни, оралик курилмаларни, таянчларни, конуслар ва бошқарувчи иншоотларни, бориш жойлари ва тахта зиналарни кор ва муздан тозалаш;

#### 4.1.1.4. Автомобиль йўлларини жиҳозлаш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича:

белгиларга караш, шикастланган йўл белгиларини алмаштириш ва етишмаётганларини янгидан ўрнатиш;

автобус бекатларини, пиёдалар ўтиш жойлари, дам олиш майдончалари, йўл белгилари учун конструкциялар, тўсиклар, йўналтирувчи курилмалар, шийпончалар ва уларнинг жиҳозлари элементлари, шунингдек шовқиндан ҳимоя қиласидиган курилмаларни бўяган ҳолда озода ва тартибли саклаш, автомобиль йўлларини мезморий-бадий безашнинг шикастланган айрим элементларини тузатиш, ушбу элементларга керакли тарзда караш, ҳожатхоналар, йўл-таъмирлаш пунктлари, йўл усталари ўйларини тозалаш;

шийпончалар, ўриндиклар, паннолар ва бошқаларни ўрнатиш ҳамда бўяган ҳолда озода ва тартибли саклаш, ичимлик сув манбалари ва артезан кудуклар қазиш, уларни озода ва тартибли саклаш;

ҳаракатни хисобга олиш пунктларини саклаш, тиклаш ва янгидан куриш, йўл конструкциясининг ва автомобиль йули ишини ўрганиш учун зарур бўлган бошқа курилмаларнинг, автомобиль йўлининг алоҳида элементлари ва иншоотларининг ҳолатини баҳолаш;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг баланс қийматига киритилган тарозида тортиши назорат қилиш пунктларини, сув ўлчаш постларини, метеорологик пунктларни, об-ҳаво шароитлари ва ҳаракат шарт-шароитлари мониторинги тизимини, технологик ва сигнал берувчи-чакиравчи алокани, кабель тармоғини, шунингдек светофор объектларини, ҳаракатни ташкил этиш воситаларини, ҳаракатни диспетчер орқали ва автоматлаштирилган бошқариш воситаларини саклаш;

хизмат қилиш муддатини ўтаб бўлган вертикал ва горизонтал йўл белгиларини, шу жумладан сунъий иншоотлар элементларидағи йўл белгиларини ўчириш, эскиргранларини тиклаш ва янгидан чизиш;

йўл тўсиклари ва йўналтируvчи курилмаларни тузатиш, автомобиль йўлинин жиҳозлаш элементлари ва белгиларига караш;

автобус бекатлари, павильонлар, йўлкалар ва дам олиш майдончаларини кор ва муздан доимий равишида тозалаш.

#### 4.1.2. Ишларнинг натижасини ўз вактида буюртмачига топшириш.

4.1.3. Агар пудратчи ишларни бажариш жараённида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл кўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни З (Уч) кун ичida текинга бартараф этиш.

4.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

#### 4.1.5. Ишларни шахсан бажариш.

### 4.2. Пудратчи куйидаги хукукларга эга:

4.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган ҳак тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларини тухтатиш, шартномани бекор килиш хуқукига эга.

#### **4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

4.3.1. Пудратчидан ойлик ишлар тугалланганлиги ҳакида хабарнома олгандан кейин 3 (Уч) кун ичидаги ишларниң натижасини кўриб чиқиши ва қабул килиши, ишларниң натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишилар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аникланганда, булар ҳакида пудратчига дарҳол хабар бериш.

4.3.2. Ишларниң натижаларини қабул килган пайтдан мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳак тўлаш.

#### **4.4. Буюртмачи кўйидаги хуқукларга эга:**

4.4.1. Ҳар қандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларниң бориши жараёни ва сифатини текшириш.

4.4.2. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари хажмидан ёки молиявий хисоб китобларидан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига кайтариладиган маблаг ва бошқа туловлар бўйича мажбуриятларни уз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблагни молиялаштириш учун ажратилган маблаглар хисобидан чегириб колиши хуқукига эга.

### **5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Пудратчи шартномада кўзда тутилган ҳар бир ойда бажарилиши керак бўлган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 2 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечикирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниң умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартарап этишдан озод этмайди.

### **6. Форс-мажор холатлари**

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига boglik бўлмаган сабабларга кўра ва енгид бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирилаши, сув тошкени, ёнгин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартарап килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб хисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

### **7. Низоларни ҳал этиш тартиби**

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартарап этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилояти Иқтисодий судида кўриб чиқишига топширадилар.

### **8. Шартиомага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи кўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳакли:

- Пудратчининг айби билан ишларниң боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши,
- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларниң сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи кўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳакли:

- Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўкотилганда.

8.5. Шартномани бекор килишга қарор килған тараф бошқа тарафға ёзма хабарнома юборади.

## 9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва құшимчалар, улар фактада ёзма шактда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланғанидан сұнг ҳәкикій хисобланади.

9.2. Мазкур шартнома иккى нұсхада тузилди. Иккала нұсха айнан бир хил ва тенг күчта эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманың бир нұсқасы мавжуд.

9.3. Шартномага хукукшунос хulosаси ва тулов жадвали илова килинади.

## 10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

### «Пудратчи»

Мирзачул ТИФК  
(иш бажарувчи номи)

Адрес: Мирзачул тумани. Гагарин ш. Пахтакор күчаси  
9 уй.

Тел./факс \_\_\_\_\_  
x/r 22626000600598552001

Банк номи **ТИФ Миллий банк Жиззах бүлімі**  
МФО 00121 ИНН 200339172  
ОКОНХ 61129

### «Буюртмачи»

Жиззах вилояты АЙББ  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Адрес: Жиззах ш. Пахтакор күча 10

Тел./факс 222-22-17  
ш/х 304510860084017045172118001

ИНН 201988537  
ОКОНХ 97400

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Газначилиги  
ЯФХ:23402000300100001010

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош  
бошкармаси хисоб китоб касса маркази  
МФО: 00014

Жиззах вилоят газаначилик бўлинмаси  
ИНН: 201122919



Ж.Хасилбеков

Рахбар \_\_\_\_\_ X.Рахматов

(Ф.И.Ш) \_\_\_\_\_

М.Х. \_\_\_\_\_ X.Турғунов

